

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

БАРАКАЕВ ЛАЗИЗЖОН ОТАҚУЛОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ
БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ**

12.00.09–Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

-

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Баракаев Лазизжон Отакулович

Жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан
фойдаланишнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммолари3-34

Barakayev Lazizjon Otaqulovich

Theoretical legal and practical problems of using special economic knowledge in
criminal proceedings35-62

Баракаев Лазизжон Отакулович

Теоретико-правовые и практические проблемы использования специальных
экономических знаний в уголовном судопроизводстве.....63-69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....70-71

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

БАРАКАЕВ ЛАЗИЗЖОН ОТАҚУЛОВИЧ

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА МАХСУС ИҚТИСОДИЙ
БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ**

12.00.09–Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Yu296 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Астанов Истам Рустамович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна
юридик фанлар доктори, профессор

Муминов Бекзод Абдувахобович
юридик фанлар доктори, профессор

Кучкаров Хайрулла Зикириллаевич
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Х.Сулаймонова номидаги Республика
суд экспертизаси маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 17 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел./ факс: (71) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (75-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел./ факс: (71) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил 04 декабрь куни тарқатилди.
(2025 йил 04 декабрдаги 39-рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

В.Каримов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, Халқаро валюта фонди ҳисоботида кўра, жиноий фаолият натижасида йиллик дунё ЯИМнинг 2-5 фоизига қадар маблағ легаллаштирилмоқда¹. Financial Action Task Force (FATF) маълумотларига кўра, рақамли технологиялар билан боғлиқ молиявий жиноятлар сўнгги беш йилда 300 фоизга ошган². PwC Global Economic Crime Survey натижаларига кўра, дунё миқёсида иқтисодий жиноятлар натижасида етказилган зарар миқдори 2022 йилда 6,4 триллион АҚШ долларини ташкил этган³. Бундай шароитда жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан самарали фойдаланиш, иқтисодий экспертизаларнинг янги турларини жорий этиш, суд-экспертлик фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, янги турдаги иқтисодий экспертизаларни ривожлантириш, рақамли иқтисодиёт шароитида суд-экспертлик фаолиятини такомиллаштириш, крипто-активлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда махсус иқтисодий билимларни қўллаш методологиясини ишлаб чиқиш, суд-экспертлик фаолиятида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда махсус иқтисодий билимларнинг процессуал шакллари такомиллаштириш, рақамли далилларни тўплаш ва текшириш усулларини стандартлаштириш, суд-иқтисодий экспертизаларининг янги турларини жорий этиш ҳамда уларни назарий-методологик жиҳатдан асослаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда статистик маълумотларга кўра, 2024 йилнинг 12 ойи ва 2025 йилнинг 8 ойида судлар томонидан тергов органларининг жами 399 та жиноят ишлари бўйича 945 нафар шахслар реабилитация асосларига кўра оқланган. Судлар томонидан 2024 йилда иқтисодий тоифадаги 13 турдаги (ЖКнинг 165, 166, 167, 168, 169, 177, 179, 182, 184, 184¹, 185², 186, 192¹¹) жиноят ишларидан жами 93 таси бўйича реабилитация асосларига кўра оқлов ҳукми чиқарилган.⁴ Ушбу ҳукмлар чиқарилишига турли (процессуал) қонунбузилишлар билан бирга 19 ҳолатда (20 фоиз) ёки ҳар бештадан биттасида айнан тафтиш, 13 таси, яъни 14 фоизига иқтисодий ва бошқа турдаги экспертизалар ўтказишдаги қонун бузилиши ва хатолар сабаб бўлган. Шунингдек, 2018-2024 йилларда 3 та ваколатли органлар мутахассислари томонидан жами 27 011 та тафтиш ўтказилган бўлса, тафтишдаги бўшлиқлар,

¹ International Monetary Fund. (2023). "Anti-Money Laundering/Combating the Financing of Terrorism (AML/CFT)", IMF Factsheet.

² FATF. (2023). "International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation", FATF, Paris, France.

³ PwC. (2022). "Global Economic Crime and Fraud Survey 2022", PricewaterhouseCoopers.

⁴ Бош прокуратуранинг 2024 йилнинг 12 ойи ва 2025 йилнинг 8 ойи бўйича таҳлилий маълумотномаси.

хато ва камчиликлар сабабли 605 та қўшимча, 134 та қайта тафтиш ўтказилишига тўғри келган.¹ Жиноятларни тергов қилишдаги бундай ҳолатлар тафтиш далолатномаси ва иқтисодий турдаги экспертизалар хулосаларини суриштирувчи ва терговчилар томонидан баҳолашда қийинчиликка дуч келиниши, амалда бир масалани ҳал қилиш учун бир нечта экспертиза тадқиқот усуллари қўлланилиши, терговчиларнинг тафтиш ва иқтисодий экспертизалар ҳужжатларига уларни текширмасдан тўлиқ таяниши, жиноят ишлари юзасидан тафтиш ўтказиш бўйича услубиёт мавжуд эмаслиги, шу сабабли тафтиш органлари уни ўтказишда турлича ёндашаётганлиги, терговчиларнинг тафтиш ўтказишга оид нормаларни ва иқтисодий махсус билимлардан фойдаланиш усуллари яхши ўзлаштирмаганлиги ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликлар сабабли юзага келмоқда.

2025 йилнинг 9 оyi давомида эса Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази томонидан ўтказилган 35 699 та экспертизаларнинг 549 таси ёки 1,6 фоизинигина суд-иқтисодий экспертизалар ташкил қилади. Ушбу турдаги экспертизаларнинг салмоқли қисми, яъни 66 фоизи прокуратура органлари, 11 фоизи иқтисодий судлар, 8 фоизи жиноят ишлари бўйича судлар, қолган 15 фоизи бошқа идоралар томонидан тайинланган бўлиб, экспертлар томонидан 800 дан ортиқ саволлар ҳал қилинган.² Бундан ташқари, бугунги кунда суд экспертизасининг жами 60 дан ортиқ тури мавжуд бўлсада, тергов органлари томонидан асосан 30 хил турдаги суд экспертиза имкониятларидан фойдаланилмоқда, холос. Мисол учун, прокуратура органларига тегишли ишлар бўйича аҳамиятли бўлган меҳнат иқтисодиёти суд экспертизаси, суд-режали-иқтисодиёт экспертизаси каби турлари фаолиятда деярли тайинланмаган. Мазкур камчиликлар ва ҳолатлар эса жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони (2022), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3723-сон (2018), “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–374-сон (2022) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (2022) ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Бош прокуратуранинг 2018–2024 йиллар бўйича қиёсий таҳлилий маълумотномаси.

² Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг маълумотномаси.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Жиноят процессида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш масалалари бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий илмий марказлар ва олий таълим муассасалари, жумладан Harvard Business School (АҚШ) иқтисодий жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Yale Law School (АҚШ) суд-иқтисодий экспертизаларининг сифатини ошириш ва халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, London School of Economics (Буюк Британия) замонавий технологиялар асосида содир этилаётган иқтисодий жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш, Max Planck Institute for Foreign and International Criminal Law (Германия) суд экспертизаси фаолиятида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, University of Toronto Faculty of Law (Канада) суд иқтисодий экспертизалар натижаларини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари, Саратов давлат ҳуқуқ академияси (Россия) иқтисодий жиноятларни тергов қилишда тафтиш ёки бошқа текширувлар имкониятларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва криминалистик жиҳатлари мавзуларида тадқиқотлар олиб бормоқда.

Бундан ташқари, Ramaiah University (Ҳиндистон)да тафтишнинг фирибгарлик жиноятларини аниқлаш, ҳолатни текшириш ва уни олдини олишдаги таъсири,¹ Nnamdi Azikiwe University (Нигерия)да фирибгарлик жиноятлари юзасидан иқтисодий экспертиза ва назорат ўрнатиш,² Ekasakti University (Индонезия)да иқтисодий экспертиза ва тафтишнинг коррупциявий жиноятларни тергов қилишдаги ўрни,³ Institute of security studies (Кения)да уюшган жиноятчилик ва легаллаштириш жиноятларини тергов қилишда тафтишнинг ўрни масалалари илмий тадқиқ қилинган.

Рақамли иқтисодиёт шароитида янги турдаги иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш методологиясини янада такомиллаштириш, крипто-активлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишнинг процессуал хусусиятлари, трансмиллий иқтисодий жиноятларни тергов қилишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш каби масалалар ушбу тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Айниқса, замонавий технологиялар ёрдамида содир этилаётган иқтисодий жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш,

¹https://www.researchgate.net/publication/351608167_A_Study_on_impact_of_Forensic_Audit_towards_Investigati_on_and_Prevention_of_Frauds

²https://www.researchgate.net/publication/391862116_forensic_auditing_and_fraud_control_a_study_of_economic_and_financial_crimes_commission

³ <https://dinastires.org/JAFM/article/view/275>

блокчейн технологиялари билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш методикасини такомиллаштириш, суд экспертизаси фаолиятида сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, рақамли далилларни тўплаш ва текшириш усуллари стандартлаштириш масалалари долзарб аҳамият касб этмокда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш масалалари миллий ҳуқуқшунос олимларимиздан Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Ф.М.Муҳитдинов, Д.М.Миразов, Б.А.Мўминов, И.Р.Астанов, Ш.Н.Хўжакулов, Ж.Рахмонов, Н.Д.Бабабеков, Ш.Я.Джумамуратов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Хусусан, Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Ф.М.Муҳитдинов, Д.М.Миразовлар экспертиза ва тафтиш институтининг умумий жиҳатларини, И.Р.Астанов жиноят процессида махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларини, Б.А.Мўминов судга қадар иш юритувида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни такомиллаштириш масалаларини, Ш.Я.Джумамуратов давлат ва жамоат мулкани талон-торож қилиш ҳолатларини текшириш жараёнида ҳужжатли тафтиш ва суд бухгалтерия экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишни, Ш.Н.Хўжакулов суд-иқтисодий экспертизасининг назарий-ҳуқуқий асосларини, Б.Х.Ражабов прокурор-криминалистнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларини монографик тарзда тадқиқ этган.

МДХ мамлакатлари олимларидан В.М.Абросимова суд-иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказишнинг долзарб масалалари, Т.М.Арзуманян тергов ва суд жараёнларида бухгалтерия экспертизасини тайинлаш, С.Ю.Барышева суд-иқтисодий экспертиза, Е.Г.Белякова юридик шахсларнинг қасддан банкротлиги тўғрисидаги ишлар бўйича суд молиявий-иқтисодий экспертизасини ўтказишнинг долзарб масалалари, Э.Ф.Быкова жиноят процессида суд-иқтисодий экспертизани тайинлашдаги муаммолар ва ечимлар, В.В.Голубева суд-бухгалтерия экспертизасига қўйиладиган талаблар, А.А.Дрога иқтисодий жиноятларни тергов қилишнинг ҳозирги босқичида суд бухгалтерия экспертизасини ўтказишнинг долзарб масалалари, Е.С.Дубоносос суд бухгалтерия экспертизаси таснифи, С.Г.Еремин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг талабига биноан жиноят ҳолатларини аниқлаш учун ҳужжатли тафтиш ва аудиторлик текширувларини ўтказишни ташкил этиш, Т.В.Зырянова бухгалтерия экспертизаси иқтисодий экспертизанинг муҳим тури сифатида, З.П.Климова жиноят аломатларини аниқлашга қаратилган текширув жараёнида тафтиш ўтказишни такомиллаштириш йўллари каби йўналишларда тадқиқот ишларини олиб борган.

Европа ва бошқа Ғарб мамлакатлари олимларидан R.A.Singleton, R.M.Herz, J.Wells, D.Marcus, G.Manning, L.Curtis, S.Pedneault каби тадқиқотчилар махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий масалаларини тадқиқ этишган. Хусусан, R.A.Singleton ва R.M.Herz молиявий жиноятларни тергов қилишда суд-бухгалтерия

экспертизасининг роли, J.Wells иқтисодий жиноятларни аниқлашда махсус билимларни қўллаш методологияси, G.Manning ва L.Curtis рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий экспертизаларнинг ўзига хос хусусиятлари, S.Pedneault эса молиявий фирибгарликларни тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш масалаларини чуқур тадқиқ этган¹.

Аммо, юқорида илмий ишлари баён қилинган олимлар жиноят ишлари бўйича махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни докторлик тадқиқоти (DSc) доирасида монографик тарзда ўрганмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий-хуқуқий ва амалий муаммолари” мавзусидаги устувор йўналишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш бўйича миллий қонунчилик ва амалиёт самарадорлигини ошириш, уни такомиллаштириш юзасидан таклиф, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

махсус иқтисодий билимлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан таҳлил этиш;

жиноят процессида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг тарихий ривожланишини ўрганиш;

махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари тадқиқ этиш;

иқтисодий экспертизаларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш;

иқтисодий экспертиза хулосасининг исботлаш жараёнидаги аҳамияти ва уни баҳолаш муаммоларини ўрганиш;

тафтиш тергов ҳаракатини тайинлаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш;

тафтиш тергов ҳаракатини ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш;

тафтиш тергов ҳаракати натижаларини қайд этиш ва баҳолаш муаммоларини таҳлил қилиш;

махсус иқтисодий билимларга оид халқаро стандартларни ўрганиш;

хорижий мамлакатлар қонунчилигида махсус иқтисодий билимлар билан боғлиқ нормаларни қиёсий жиҳатдан тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида махсус иқтисодий билимларга оид нормаларнинг ривожланиш истиқболларини ишлаб чиқиш.

¹ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг объекти жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммоларига оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни тартибга солувчи нормалар, суд-тергов амалиёти материаллари ҳамда жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга оид хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги нормалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда индукция, дедукция, кузатув, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, мантиқий, статистик маълумотлар таҳлили, ижтимоий сўров, илмий манбаларни тадқиқ этиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

иқтисодий экспертизаларнинг республикамизда мавжуд бўлмаган турларини тадқиқ қилиш заруратидан келиб чиққан ҳолда янги экспертиза ва тадқиқот турларини жорий этиш, ушбу иқтисодий экспертиза-ларни ўтказишда сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаш, шунингдек, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида иш бўйича тайинланган иқтисодий экспертизаларни “E-material”, “Elektron surishtiruv va dastlabki tergov” дастурий таъминотлари орқали “E-ekspertiza” ахборот тизимига юбориш орқали ўзаро электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, янги турдаги иқтисодий экспертиза турлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов органлари ходимларининг малакасини оширишга оид таклифлар асослантирилган;

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларга тафтиш муддатини узайтириш ваколатини бериш, тергов органларини замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозлаш, улар фаолиятига илғор ахборот технологияларини, шу жумладан, сунъий интеллектни жорий қилиш, суд экспертизасини онлайн тайинлаш ва юбориш ҳамда экспертиза хулосасини онлайн олиш тизимини жорий қилиш, тергов ҳаракатларига оид баённомалар ҳамда суд экспертизасини тайинлаш ҳақидаги қарорларни сунъий интеллект (овозни матнга ўгириш) технологиялари ёрдамида электрон расмийлаштириш лозимлиги асослантирилган;

тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар сифатида кўрсатилган ваколатли органлар, уларнинг номланиши билан боғлиқ ўзгаришлар бўйича таклифлар, тергов ва суд ҳаракатларини юритиш ҳужжатлари ва маълумотлар билан бир қаторда электрон маълумотларни далил сифатида қабул қилиш ҳақидаги таклифлар асослантирилган;

тафтиш ҳужжатларини далил тури сифатида белгилаш, ҳимоячи, жабрланувчи ва унинг вакилини ҳам экспертиза тайинлаш ва ўтказишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи сингари алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган шахслар қаторига киритиш, тафтиш муддатларини календарь кун эмас, балки иш куни билан белгилаш лозимлиги асослантирилган;

терговга қадар текширув, тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш, олиш ва мустаҳкамлаш жараёнига мутахассис чақирилиши, мутахассис зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмаса иш юритишда иштирок этишдан воз кечиши, мутахассис терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонунда белгиланган тартибда огоҳлантирилган ҳолларда мажбуриятларини бузган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши, мутахассиснинг ёзма фикри ва унга қўйилган талабларни белгилаш лозимлиги асослантирилган;

“E-tergov” дастурий таъминоти орқали мутахассисларни ишга жалб қилиш бўйича сўровлар юбориш ва жавобларини олиш, процессуал қарорларни (экспертиза, тафтиш ва бошқ.) электрон юбориш имкониятини яратиш, “E-tergov” дастурий таъминотидаги ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасининг мутахассис иштироки ва унинг жавобгарлиги қисмини шакллантириш лозимлиги асослантирилган;

тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотларни номақбул далиллар деб топиш тўғрисидаги таклифлар асослантирилган;

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига тергов ваколатлари берилиши ва унга тааллуқли ишларни белгилаш зарурлиги асослантирилган;

жиноят ишларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга оид тергов амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштириш, терговчи ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тартибини белгиловчи концепция ишлаб чиқиш, тафтиш тайинлаш, ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ва ҳал қилиш бўйича махсус Йўриқнома ҳамда солиқ органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини белгиловчи Низом янги лойиҳаларини тайёрлаш лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда намоён бўлади:

“2025–2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонда жиноят ишларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш истиқболлари” номли Концепция ишлаб чиқилиб, унда тергов органларининг махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишда йўл қўяётган камчиликлари ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда соҳа истиқболи бўйича таклиф ва тавсиялар назарда тутилди;

тафтиш бўйича ягона амалиётни шакллантириш мақсадида “Жиноят иши юзасидан тафтиш тайинлаш, ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ва ҳал қилиш бўйича Йўриқнома” лойиҳаси ишлаб чиқилди;

Бош прокуратура, ДХХ, ИИБ, Солиқ ва Божхона кўмиталарининг 2019 йил 13 июндаги қарори билан тасдиқланган “Солиқ органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди;

тафтиш тайинлаш, ўтказиш ва натижаларни расмийлаштириш бўйича “E-taftish” дастурий таъминоти лойиҳаси ишлаб чиқилди;

суд-иқтисодий экспертиза хулосасини баҳолаш мезонлари ва тартибини такомиллаштиришга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш соҳасида ягона электрон реестр тизимини жорий этиш лозимлиги асослантириб берилди;

жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишда учрайдиган амалий муаммолар аниқланди ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

тафтиш тергов ҳаракатини тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда миллий ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда суд-тергов амалиёти, ижтимоий сўровлар, статистик маълумотлар, мингдан ортиқ жиноят ишлари ўрганилган. Тадқиқот доирасида шакллантирилган хулосалар апробациядан ўтган ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқ этилаётган мавзу доирасида 300 дан ортиқ терговчи, прокурор, мутахассислар ҳамда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказилган. Тадқиқот иши юзасидан шакллантирилган натижалар ваколатли органлар томонидан ижобий баҳоланган ҳамда амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти махсус иқтисодий билимларга оид назарий концепцияларни такомиллаштиришга, суд-иқтисодий экспертизасининг янги турларини жорий этишга, махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари ривожлантиришга, рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий экспертизаларнинг методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотда шакллантирилган хулосалар асосида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда, суриштирув, тергов ва суд органлари фаолиятини самарадорлигини оширишда, олий юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, жиноятларни тергов қилиш методикасини ўқитишда, шунингдек, иқтисодий жиноятларни тергов қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга оид тадқиқот натижалари қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

иқтисодий экспертизаларнинг янги турларини жорий этиш ва улар бўйича суриштирув ва тергов органлари ходимларининг малакасини ошириш, экспертизаларни ўтказишда сунъий интеллектдан фойдаланиш, иқтисодий экспертизаларни “E-material”, “Elektron surishtiruv va dastlabki tergov” дастурий таъминотлари орқали “E-ekspertiza” ахборот тизимига юбориш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил

8 сентябрдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–270-сонли қарорининг тегишлича 2, 4-бандлари “а”, “б” кичик бандлари, 8-банди “д” кичик бандини ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурнинг 21-бандини тайёрлашда инobatга олинган (Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 2025 йил 24 сентябрдаги 29/1-1341-сон далолатномаси). Мазкур таклиф янги турдаги иқтисодий экспертиза ва тадқиқот турларини ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этишга хизмат қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларга тафтиш муддатини узайтириш ваколатини бериш, тергов органларини замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозлаш, улар фаолиятига илғор ахборот технологияларини, шу жумладан, сунъий интеллектни жорий қилиш, суд экспертизасини онлайн тайинлаш ва юбориш ҳамда экспертиза хулосасини онлайн олиш тизимини жорий қилиш, тергов ҳаракатларига оид баённомалар ҳамда суд экспертизасини тайинлаш ҳақидаги қарорларни сунъий интеллект (овозни матнга ўгириш) технологиялари ёрдамида электрон расмийлаштиришга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тергов фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда тергов сифатини оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони лойиҳасининг 1, 5 ва 10-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2025 йил 8 апрелдаги далолатномаси). Бу таклифлар тафтиш ўтказишда қонунийликни таъминлаш, тергов органларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, видео қайд этиш тизимини жорий қилиш ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш орқали тергов ишларининг сифатини ва шаффофлигини оширишга хизмат қилади;

тафтиш ўтказиш учун тайинланадиган шахслар сифатида кўрсатилган ваколатли органлар, уларнинг номланиши билан боғлиқ ўзгаришлар бўйича таклифлар, тергов ва суд ҳаракатларини юритиш ҳужжатлари ва маълумотлар билан бир қаторда электрон маълумотларни далил сифатида қабул қилишга оид таклифлардан ЖПКнинг тегишлича 187³-моддаси, 87-моддаси биринчи қисми, 345-моддаси биринчи, иккинчи, бешинчи ва еттинчи қисмларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритишда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2025 йил 10 мартдаги далолатномаси). Бу таклифлар тергов органлари учун далилларни тўплаш жараёнини такомиллаштириш, электрон маълумотлардан фойдаланиш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўйича ваколатларни аниқлаштириш орқали жиноятларни самарали очишга хизмат қилади;

тафтиш ҳужжатларини далил тури сифатида белгилаш, ҳимоячи, жабрланувчи ва унинг вакилини ҳам экспертиза тайинлаш ва ўтказишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи сингари алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган шахслар қаторига киритиш, тафтиш муддатларини календарь кун эмас, балки иш куни билан белгилашга оид таклифлардан ЖПКнинг янги таҳрирдаги лойиҳасининг тегишлича 103-моддасининг иккинчи қисмини, 220-

моддасининг номи ва биринчи қисмини, 236-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2024 йил 18 ноябрдаги далолатномаси). Бу таклифлар тафтиш ҳужжатларини далил сифатида эътироф этиш, барча томонларнинг процессуал ҳуқуқларини кенгайтириш ва тафтиш муддатларини оптималлаштириш орқали жиноят процессининг самарадорлигини оширишга қаратилган;

терговга қадар текширув, тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш, олиш ва мустаҳкамлаш жараёнига мутахассис чақирилиши, мутахассис зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмаса иш юритишда иштирок этишдан воз кечиши, мутахассис терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонунда белгиланган тартибда огоҳлантирилган ҳолларда мажбуриятларини бузган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши, мутахассиснинг ёзма фикри ва унга қўйилган талабларни белгилашга оид таклифлар ЖПКнинг янги таҳрирдаги лойиҳасининг тегишлича 64-моддаси биринчи қисмини, бешинчи қисми олтинчи хатбошисини, еттинчи қисмини, 65-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Бош прокуратуранинг 2024 йил 18 ноябрдаги далолатномаси). Ушбу таклифлар мутахассисларнинг терговга қадар текширув, тергов ва суд муҳокамасидаги иштирокини тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш ва жавобгарлигини белгилаш орқали одил судловнинг сифатини оширишга хизмат қилади;

“E-tergov” дастурий таъминоти орқали мутахассисларни ишга жалб қилиш бўйича сўровлар юбориш ва жавобларини олиш, процессуал қарорларни (экспертиза, тафтиш ва бошқ.) электрон юбориш имкониятини яратиш, “E-tergov” дастурий таъминотидаги ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасининг мутахассис иштироки ва унинг жавобгарлиги қисмини шакллантиришга оид таклифлардан прокуратура органларида “E-tergov” дастурий таъминотини яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”нинг 2, 3 ва 9-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2024 йил 7 октябрдаги далолатномаси). Бу таклифлар “E-tergov” дастурий таъминотини такомиллаштириш, уни бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш, электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш ва тергов ходимларининг малакасини ошириш орқали тергов фаолиятининг самарадорлигини ва сифатини яхшилашга хизмат қилади;

тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотларни номақбул далиллар деб топилишига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонунининг 1-моддаси 8-банди (ЖПКнинг 95¹-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимча)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 сентябрдаги 9/dn-192-сон далолатномаси). Мазкур таклиф далилларни олишда қонунийлик

ва адолат мезонларига риоя қилинишини таъминлашга ҳамда далиллар мақбулликка оид қонунчиликни замонавий шароитларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади;

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига тергов ваколатлари берилиши ва унга тааллуқли ишларни белгилашга оид таклифларидан Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 февралдаги “Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1038-сон Қонунининг 1-моддаси 1, 2, 5, 6-бандлари (ЖПКнинг 35, 187³, 345, 381²-моддаларига киритилган ўзгартиришлар)ни шакллантиришда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 24 сентябрдаги 9/dn-192-сон далолатномаси). Ушбу таклиф иқтисодий жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

тадқиқот ишида берилган таклифлардан “2025–2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонда жиноят ишларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш истиқболлари” номли Концепция, “Жиноят иши юзасидан тафтиш тайинлаш, ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ва ҳал қилиш бўйича Йўриқнома” ҳамда “Солиқ органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита фойдаланилган (Бош прокуратуранинг 2025 йил 27 октябрдаги 15/02-2-2025-сон далолатномаси). Бу таклифлар жиноят ишларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга оид қонунчилик ва амалиётни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та (3 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 16 та илмий мақола, шундан 14 та миллий ва 2 та халқаро журналларда, конференцияларда 6 та, шундан 3 та миллий, 3 та хорижий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 12 та параграфдан иборат тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 260 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг

республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимларнинг юридик табиати ва тадрижий ривожланиши таҳлили”** деб номланган биринчи бобда махсус иқтисодий билимлар тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, жиноят процессида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг тарихий ривожланиши, процессуал шакллари ва уларнинг ўзаро нисбати таҳлил қилинади.

Муаллиф миллий ва хорижий олимларнинг (Б.А.Мўминов, Ж.Ш.Рахмонов, Л.П.Климович, Л.Г.Шапиро, М.М.Виноградова, В.Н.Махов, А.А.Эйсман, Н.Бабабеков, А.А.Эксархопуло ва бошқалар) позицияларини ўрганиш асосида махсус иқтисодий билимлар тушунчасининг қуйидаги таърифини ишлаб чиққан: “Махсус иқтисодий билимлар – иқтисодиёт соҳасидаги умумий таълим ва амалий тажриба доирасидан ташқарига чиқадиган, махсус тайёргарлик ва касбий фаолият натижасида олинган, чекланган доирадаги шахсларга маълум бўлган, жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда жиноятларни аниқлаш, уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш жараёнида фойдаланиладиган бухгалтерия, молия, солиқ, банк ва бошқа иқтисодиёт соҳасидаги билимлар мажмуидир”.

Диссертант махсус иқтисодий билимларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатган. Профессионаллик белгиси махсус иқтисодий билимларнинг касбий тайёргарлик ва амалий тажриба натижасида шаклланишида намоён бўлиши, илмийлик белгиси эса уларнинг замонавий иқтисодиёт фанининг сўнгги ютуқларига асосланишини аниқлаши асосланганлиги. Тизимлилик белгиси махсус иқтисодий билимларнинг тартибга солинган, ўзаро боғлиқ билимлар тизимидан иборат эканлигини кўрсатган.

Муаллиф махсус иқтисодий билимларнинг амалий йўналганлик, объективлик, доимий янгилиниш, ҳуқуқий тартибга солинганлик, комплекслилик ва мақсадли йўналганлик каби белгиларини ҳам батафсил таҳлил қилган.

Тадқиқотчи жиноят процессида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг тарихий ривожланишини таҳлил қилар экан, бу амалиётнинг қадимги даврлардан бошланганлигини асослаган. Қадимги Месопотамияда милоддан аввалги икки минг йилликда қабул қилинган Хаммурапи қонунларида савдогарлар ва уларнинг вакиллари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби белгиланган бўлиб, бу жараёнда иқтисодий билимлардан

фойдаланилган. Қадимги Мисрда эса солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида махсус котиблар фаолият юритган.

Қадимги Юнонистонда давлат молиясини бошқариш тизими анча мураккаблашиб, ҳар йили сайланадиган молия маъмурлари фаолияти устидан назорат олиб бориш учун махсус текширувчилар – логистлар тайинланган. Қадимги Рим империяси даврида эса махсус иқтисодий билимларни қўллашда милоддан аввалги 149 йилда қабул қилинган “Lex Calpurnia de repetundis” Қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлган. Мазкур Қонун вилоят ҳокимларининг молиявий суиистеъмолликларини текшириш учун махсус суд комиссияларини тузишни назарда тутган.

Ўрта асрларда иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланиши, савдо-сотиқнинг ўсиши натижасида иқтисодий жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлган, Европада савдо гилдиялари ўз аъзолари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун махсус судлар ташкил этишган. XIII-XIV асрларда Италияда икки ёклама бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши, 1494 йилда Лука Пачолининг “Ҳисоб-китоблар ва ёзувлар ҳақида трактат” асари эълон қилиниши иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва текширишда муҳим аҳамият касб этган.

Марказий Осиёда эса Амир Темур ва Темурийлар даврида солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб борилган бўлиб, уларни аниқлашда солиқ ва молия соҳасида алоҳида билимларга эга бўлган шахсларнинг фикрларидан фойдаланилган. Темурийлар даврида молиявий ҳужжатларни текшириш ва таҳлил қилиш учун мустафийлар фаолият юритган.

XVIII-XIX асрларда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида ҳам иқтисодий жиноятларга қарши курашиш ва уларни текшириш амалиёти мавжуд бўлган. Бухоро амирлигида молия вазири – девонбеги лавозими мавжуд бўлиб, у мамлакат ҳудудида содир этилган иқтисодий жиноятларни текшириш ва олдини олиш билан ҳам шуғулланган. Хива хонлигида эса бош вазир “меҳтар” бўлиб, у солиқ йиғувчилар фаолиятини назорат қилган ва молиявий ҳисоботларни текширган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиё Россия империяси таъсири остига тушгандан сўнг жиноят процессида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш амалиёти янги босқичга чиққан. 1864 йилги суд ислоҳоти натижасида Туркистон ўлкасида ҳам суд-экспертиза институти ривожлана бошланган. 1832 йилги “Жиноий ишлар бўйича далилларни тўплаш ва баҳолаш тўғрисида”ги Қонун Туркистон ўлкасида ҳам амал қилган ҳамда ундан иқтисодий жиноятларни текширишда махсус билимларга эга бўлган шахсларнинг иштирокини таъминлашда фойдаланилган. 1864 йилги суд ислоҳоти натижасида Туркистон ўлкасида янги суд тизими жорий этилди ҳамда суд-экспертиза институти ҳам ривожлана бошлади.

1922 йилдаги ЖПКда махсус билимлардан фойдаланиш институти кодекс даражасида тартибга солинди. 1940 йилларда СССРда суд-бухгалтерия экспертизаси расман жорий этилди. 1961 йилда ЖПКда экспертиза турлари, уни тайинлаш тартиби, экспертнинг мақоми белгиланди. 1994 йилда мустақил Ўзбекистон Республикаси ЖПК қабул қилинганлиги билан экспертиза

институтлари батафсил қонунчилик доирасида изоҳланди. 2010 йилда “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 2016 йилда ЖПКга тафтиш институти янги боб сифатида киритилди.

Диссертант жиноят процессида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал шакллари таҳлил қилар экан, уларни икки гуруҳга ажратган. Биринчи гуруҳга асосий процессуал шакл сифатида суд-иқтисодий экспертизасини киритган. Иккинчи гуруҳга эса қўшимча процессуал шакллар сифатида мутахассис иштироки ва тергов ҳаракатларида иқтисодий билимлардан фойдаланишни киритган.

Муаллиф суд-иқтисодий экспертизасига қуйидагича таъриф берган: “Суд-иқтисодий экспертизаси – бу иқтисодий фаолият соҳасидаги махсус билимларга асосланган, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан тайинланадиган ва эксперт томонидан ўтказиладиган тадқиқот бўлиб, унинг натижасида жиноят иши учун аҳамиятли бўлган янги фактик маълумотлар олинади ва расмий ҳулоса шаклида расмийлаштирилади”.

Тадқиқотчи суд-иқтисодий экспертизасининг асосий турлари сифатида суд-бухгалтерия экспертизаси, суд-молиявий экспертиза, суд-иқтисодий экспертиза ва суд-солиқ экспертизасини кўрсатган.

Мутахассис иштироки махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг иккинчи муҳим процессуал шакли сифатида таҳлил қилинар экан, муаллиф мутахассис – бу терговчи ёки судга тергов ҳаракатларини ўтказишда ёрдам бериш учун жалб этиладиган, муайян соҳада махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган шахс эканлигини таъкидлаган.

Муаллиф мутахассис иштирокининг қуйидаги шакллари таҳлил қилган: тергов ҳаракатларида иштирок этиш; маслаҳатлар бериш; тушунтиришлар бериш; ҳужжатларни таҳлил қилишда ёрдам бериш.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим қадам бўлганини асослаган. Мазкур қарорда суд экспертизаси соҳасида халқаро стандартларни жорий этиш, суд экспертларининг малакасини ошириш, янги турдаги экспертизаларни жорий этиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Статистик маълумотларга таянган ҳолда, тадқиқотчи Республикада 2024 йилда содир этилган жиноятлар сони жами 132 298 тани ташкил этганлиги, уларнинг 45,3 фоизи иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар эканлигини таъкидлаган. Бу эса махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг самарали механизмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатган.

Муаллиф жиноят процессида махсус иқтисодий билимларнинг аҳамияти қуйидаги жиҳатларда намоён бўлишини асослаб берган: жиноятлар ва уларнинг изларини аниқлаш; далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш; тергов ҳаракатларини ўтказиш; экспертизани тайинлаш ва ўтказиш; жиноятларнинг содир этилиш механизминини аниқлаш; жиноятларнинг оқибатларини аниқлаш; профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; суд қарорларини асослаш.

Диссертант махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш зарурлигини асослаган. Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2024 йил 16 январь кундаги йиғилишда таъкидланган фикрларига таяниб, ҳозирда яширин иқтисодиёт ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш билан 14 та орган тарқоқ ҳолда шуғулланаётганлиги, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадиган яхлит иш тизими йўқлиги каби муаммоларни бартараф этиш зарурлигини кўрсатган.

Бундан ташқари, мутахассис фикрининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш, янги турдаги экспертизаларни жорий этиш, терговчи ва судьяларнинг иқтисодий билимларини ошириш, экспертиза муассасаларининг моддий-техник базасини кучайтириш, малакали кадрлар тайёрлашни кўпайтириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Диссертациянинг **“Жиноят ишларини юритишда иқтисодий экспертизалар ва уларни ўтказиш билан боғлиқ муаммолар”** деб номланган иккинчи бобида иқтисодий экспертизаларнинг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий экспертизаларни ўтказиш билан боғлиқ муаммолар таҳлили ҳамда иқтисодий экспертиза хулосасининг исботлаш жараёнидаги аҳамияти ва уни баҳолаш муаммолари таҳлил қилинган.

Муаллиф миллий ва хорижий олимларнинг (В.А.Тимченко, В.А.Юматов, С.В.Козменкова, Н.Г.Гаджиев, Р.Туримбетов, М.Каландарова, Н.Қурбонов ва бошқалар) позицияларини ўрганиш асосида иқтисодий экспертизаларнинг турлари бўйича турли таснифларни таҳлил қилиб, асосий турлар сифатида суд-бухгалтерия, суд-молиявий-иқтисодий, суд-солиқ, суд-молиявий-кредит ва суд-молиявий-таҳлилий экспертизаларни ажратиб кўрсатган. Ҳар бир экспертиза тури ўзининг алоҳида предмети, объектлари ва методларига эга эканлиги асослаб берган.

Диссертант суд-бухгалтерия экспертизасининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, унинг энг кўп қўлланиладиган иқтисодий экспертиза тури эканлигини қайд этган.

Молиявий-иқтисодий экспертизанинг ўзига хос хусусиятлари эса корхонанинг молиявий фаолиятини комплекс таҳлил қилишга қаратилганлиги, молиявий таҳлил усуллари ва моделларидан кенг фойдаланилиши, эксперт-иқтисодчидан молия, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил соҳасида чуқур билимлар талаб этилиши, кўпинча бухгалтерия экспертизаси билан биргаликда ўтказилиши асослаб берилган.

Диссертант солиқ экспертизасининг асосий вазифалари сифатида солиқ ҳисоботларининг тўғрилигини текшириш, солиқ базасининг тўғри аниқланганлигини баҳолаш, солиқ имтиёзларининг асосли қўлланилганлигини текшириш, солиқларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва ўз вақтида тўланганлигини аниқлаш, солиқ қонунчилиги бузилишларини аниқлаш кабиларни кўрсатиб ўтади.

Молиявий-кредит экспертизаси эса асосан кредит шартномаларининг қонунийлигини текшириш, кредитни қайтариш имкониятларини баҳолаш,

кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишни, кредит операциялари билан боғлиқ фирибгарликларни аниқлаш каби масалаларни ўрганиши қайд этилган.

Молиявий-таҳлилий экспертизанинг ўзига хос хусусиятлари сифатида корхонанинг молиявий ҳолатини чуқур таҳлил қилишга қаратилганлиги, молиявий таҳлилнинг турли усуллари ва моделларидан фойдаланиши, молиявий таҳлил ва прогнозлаш соҳасида чуқур билимлар талаб этиши, кўпинча бухгалтерия ва молиявий-иқтисодий экспертизалар билан биргаликда ўтказилиши келтирилган.

Диссертант иқтисодий экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни чуқур таҳлил қилган. Биринчи навбатда, иқтисодий экспертизаларнинг ягона таснифи мавжуд эмаслиги муаммосига эътибор қаратилган. Бу ҳолат амалиётда жиддий қийинчиликларни юзага келтириши, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда судлар томонидан жиноят ишлари бўйича иқтисодий экспертизанинг қайси турини тайинлаш борасида тушунмовчиликлар юзага келиши асослаб берилган.

Экспертларнинг етарли тажриба ва кўникмаларга эга эмаслиги муаммоси ҳам батафсил ўрганилган. Тадқиқотчи бу муаммога иқтисодий соҳанинг ниҳоятда кенг эканлиги, бу ҳолат экспертларнинг иқтисодий соҳани тартибга солувчи қонунчилик нормаларини етарли даражада билмаслиги, молиявий операциялар ва уларнинг оқибатлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслиги сабаб бўлаётганлигини таъкидлаган.

Экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларнинг етарли даражада тақдим этилмаслиги ёки яроқсиз ҳолда тақдим этилиши муаммоси алоҳида ўрганилган. Муаллиф бу муаммонинг асосий сабабларидан бири терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг иқтисодиёт соҳасида етарли билимга эга эмаслиги эканлигини қайд этган. Тадқиқот давомида ўтказилган сўровномада иштирок этган 307 нафар респондентларнинг 94,8 фоизи терговчи ва судьяларнинг иқтисодий билимларини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш лозимлиги таъкидланган.

Диссертант иқтисодий экспертизаларни ўтказиш методикаларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги муаммосини ҳам чуқур таҳлил қилган.

Муаллиф иқтисодий экспертиза хулосасининг исботлаш жараёнидаги аҳамияти ва уни баҳолаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратган. Иқтисодий экспертиза хулосаси процессуал ҳужжат сифатида иқтисодий жиноятлар бўйича далил бўлиб, уни баҳолашда процессуал нормаларга мувофиқлиги, хулосанинг холислиги ва тўлиқлиги, илмий асосланганлиги каби мезонлар инобатга олиниши лозимлигини асослаб берган.

Тадқиқотчи иқтисодий экспертиза хулосасини баҳолаш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у терговчи ёки судьядан нафақат юридик, балки чуқур иқтисодий билимларга ҳам эга бўлишни талаб этишини таъкидлаган. Амалиётда терговчи ёки судьянинг иқтисодий билимлари етарли

бўлмаслиги туфайли хулосанинг илмий асосланганлигини тўлиқ баҳолаш имконияти чекланиши муаммоси мавжудлигини қайд этган.

Диссертант иқтисодий экспертиза хулосаларини баҳолашда уларнинг тушунарлилиги ва етарлилиги масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини асослайди. Экспертлар имкон қадар оддий ва тушунарли тилда ўз хулосаларини баён этишлари, шу билан бирга хулоса етарли даражада тўлиқ бўлиши ва барча муҳим жиҳатларни қамраб олиши кераклиги, зарур ҳолларда қўшимча ёки қайта экспертиза тайинлаш масаласи кўриб чиқилиши лозимлиги қайд этилган.

Муаллиф юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сурган: иқтисодий экспертизаларнинг барча турларини қамраб олувчи ягона таснифни ишлаб чиқиш ва уни қонунчиликда мустақкамлаб қўйиш, ёш мутахассислар учун мажбурий вебинарлар ва курслар ташкил этиш, терговчи ва суриштирувчиларнинг иқтисодий билимларини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш, иқтисодий экспертизаларнинг барча турлари бўйича батафсил услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш зарурлигини асослаб берган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимларнинг бошқа шакллари”** деб номланиб, жиноят процессида тафтиш тергов ҳаракатининг юридик табиатини, унинг ташкил этилиши ва ўтказилиши билан боғлиқ муаммоларни чуқур таҳлил қилишга бағишланган.

Муаллиф тафтиш тергов ҳаракатини тайинлаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этишнинг қонуний асосларини тадқиқ этган. Тафтиш тергов ҳаракатини тайинлаш жараёнининг асосий жиҳатларини яъни тафтишни тайинлашнинг процессуал асосларини таҳлил қилган.

Муаллиф тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг тузилиши ва унга тафтиш ўтказиладиган субъектнинг тўлиқ номи, текширув даври, ўрганилиши лозим бўлган масалалар доираси, тафтиш ўтказувчи органнинг номи каби элементларнинг киритилиши зарурлигини асослаган.

Тадқиқотда тафтиш тайинлашнинг амалдаги тартибида тафтиш муддатини узайтириш механизмида қонунчиликда бўшлиқлар мавжудлиги, тафтиш ўтказувчи органларнинг ваколатлари доирасидаги номувофикликлар ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий камчиликлар каби бир қатор муаммолар мавжудлиги қайд этилган.

Тадқиқотда тафтиш ўтказишнинг муддатлари ва уларни узайтириш масалалари алоҳида ўрганилган. Муаллиф амалдаги қонунчиликда 30 календарь кун деб белгиланган тафтиш муддатини 30 иш куни этиб белгилашни таклиф қилган.

Диссертант тафтиш ўтказишнинг процессуал жиҳатларига алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга қўйиладиган талаблар батафсил ўрганилган. Тадбиркорлик субъектлари тафтиш жараёнида юридик хизмат вакиллари ва

адвокатнинг иштирокини таъминлаш, бунинг имконияти бўлмаганда ушбу жараёнларни видеоёзув билан мустаҳкамлаш зарурлиги таклиф қилинган.

Тадқиқотда тафтиш ўтказишнинг психологик ва ташкилий жиҳатлари ҳам кўриб чиқилган. Терговчи ва тафтишчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг аҳамияти алоҳида қайд этилган. Муаллиф уларнинг ҳамкорлигининг самарадорлиги жиноятларни тергов қилишнинг сифатига бевосита таъсир этишини асослаган.

Бундан ташқари, тадқиқотда тафтиш тергов ҳаракати натижаларини қайд этиш ва баҳолаш муаммолари масаласига алоҳида ёндошилган. Муаллиф тафтиш натижаларини баҳолашнинг процессуал ва методологик жиҳатларини чуқур таҳлил қилган.

Диссертацияда тафтиш натижаларини баҳолаш жараёнининг икки асосий босқичи таклиф қилинган: биринчи босқичда тафтиш натижаларининг ўзини таҳлил қилиш, иккинчи босқичда эса уларнинг жиноят иши материалларидаги бошқа далиллар билан мувофиқлигини текшириш назарда тутилган.

Тадқиқотда тафтиш натижаларини баҳолашда диққатга олинishi лозим бўлган бир қатор муҳим мезонлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, тафтишнинг қонуний асосларга риоя қилинган ҳолда ўтказилганлиги, текширилаётган субъект раҳбарининг ҳуқуқлари таъминланганлиги, тафтиш ўтказиш муддатларига риоя қилинганлиги, далолатномада зарур ҳолатларнинг тўлиқ акс этирилганлиги каби жиҳатлар таҳлил қилинган.

Муаллиф тафтиш натижаларини баҳолашда терговчи, прокурор ва суд томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларни батафсил ёритган. Хусусан, тафтиш хулосаларининг ишончлилиги, уларнинг жиноят иши материалларига мослиги, қонунбузилишлар ҳолатларининг ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги каби жиҳатларни алоҳида таъкидлаган.

Диссертацияда тафтиш далолатномасининг расмийлаштирилиши ва унинг далил сифатида қабул қилиниши масалалари ҳам кенг ёритилган. Муаллиф тафтиш натижаларини баҳолашда процессуал қоидаларга қатъий риоя қилиш зарурлигини асослаган. Жумладан, тафтиш далолатномасига қўшимча ҳужжатлар, баённомалар ва бошқа исботловчи материаллар қўшиб қўйилиши лозимлиги таъкидланган.

Тадқиқотнинг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатида тафтиш натижаларининг далил сифатида эътироф этилиши эканлиги белгиланган. Муаллиф тафтиш материалларининг далил сифатидаги аҳамиятини чуқур таҳлил қилиб, уларнинг қонуний ва процессуал жиҳатдан баҳоланиши механизмларини тадқиқ этган.

Муаллиф тафтиш натижаларини баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзаро уйғунлаштириб, бу соҳадаги қонунчилик ва амалиёт такомиллаштирилишининг аниқ йўналишларини белгилаб берган. Тадқиқотда тафтиш тергов ҳаракатини такомиллаштириш бўйича бир қатор муҳим таклифлар ишлаб чиқилган.

Жумладан, диссертацияда тафтиш қарори устидан шикоят қилиш, тафтиш тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлган ҳолатлар, комиссия ва

комплекс тафтиш ўтказиш тартибини жорий этиш, тафтиш жараёнида аудитор хулосаларининг инобатга олиниши каби тартибларни ЖПКга киритиш таклиф қилинган.

Диссертациянинг **“Махсус иқтисодий билимларга оид қонун нормаларини такомиллаштириш масалалари: халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси”** деб номланган тўртинчи бобида махсус иқтисодий билимларга оид халқаро стандартлар таҳлили, хорижий мамлакатлар қонунчилигида махсус иқтисодий билимлар билан боғлиқ нормалар таҳлили ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида махсус иқтисодий билимларга оид нормаларни ривожлантириш истиқболлари масалалари тадқиқ этилган.

Таҳлиллар натижасида халқаро майдонда иқтисодий жиноятларнинг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, уларнинг янги шакллари пайдо бўлаётганлиги ва трансмилий характер касб этаётганлиги кузатилаётганлиги изоҳланган. Бу соҳадаги асосий халқаро стандартлар сифатида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, ФАТФ тавсиялари ва Европа Иттифоқининг 2015/849-сонли Директиваси, Базель қўмитаси стандартлари ҳисобланиши асослантилган.

Жаҳон амалиётида махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг уч моделини ажратиб кўрсатган, яъни: эркин бозор модели (АҚШ ва Буюк Британия), давлат назорати модели (Япония ва Россия) ва аралаш модель (Сингапур ва Жанубий Корея). Кripto-активлар, NFT каби рақамли активлар билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайиши янги турдаги экспертизаларнинг пайдо бўлишига олиб келаётганлиги таҳлил қилинган. Бу борада Жанубий Корея ва Сингапур тажрибаси айниқса қимматли эканлиги баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида махсус иқтисодий билимларга оид нормаларни ривожлантириш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилган. Хусусан, ЖПКни “Мутахассиснинг ёзма фикри” деган 70¹-модда билан тўлдириш ва уни далил турларидан бири сифатида эътироф этиш лозимлиги асослаб берилган. Мутахассис иштирокини терговга қадар текширув босқичига киритиш, тафтиш муддатларини оптималлаштириш, тафтиш ҳужжатларини далил турига киритиш, экспертиза тайинлашда жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларини кенгайтириш таклиф этилган.

Шунингдек, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунга махсус иқтисодий билимлар билан боғлиқ алоҳида боб киритиш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, халқаро стандартларга мос келувчи сертификатлаштириш тизимини яратиш, доимий аттестация механизминини жорий этиш, махсус электрон реестр тизимини жорий этиш каби таклифлар илгари сурилган.

Бундан ташқари, муаллиф тергов ва суд органлари ходимларининг иқтисодий билимларини ошириш бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш, иқтисодий экспертизалар методологиясини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва замонавий технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда хорижий экспертиза муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш зарурлигини таъкидлаган.

Тадқиқотчи замонавий шароитда крипто-активлар, NFT каби рақамли активлар билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайиши янги турдаги экспертизаларни талаб этмоқда, деган хулосага келган. Бу борада Жанубий Корея ва Сингапурнинг ихтисослашган экспертлар тайёрлаш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича тажрибаларига алоҳида эътибор қаратган.

Муаллиф Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифларни илгари сурган. Хусусан, мутахассис фикрига процессуал тус бериш, уни далил сифатида эътироф этиш, мутахассис иштирокини кенгайтириш, тафтиш муддатларини оптималлаштириш, тафтиш ҳужжатларини далил турига киритиш, экспертизада тарафлар ҳуқуқларини кенгайтириш каби ўзгартишларни таклиф этган.

Бундан ташқари, муаллиф махсус иқтисодий билимлар борасида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини баҳолашнинг халқаро стандартларга мос тизимини яратиш, махсус электрон реестр тизимини жорий этиш, тергов ва суд ходимларининг иқтисодий билимларини ошириш, экспертизалар методологиясини такомиллаштириш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш таклифларини берган.

Муаллиф Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш борасида мутахассис фикрига процессуал мақом бериш, мутахассиснинг иш кўриш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, тафтиш муддатлари ва тартибини оптималлаштириш, тафтиш ҳужжатларини далил сифатида эътироф этиш, экспертиза тайинлашда тарафларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш каби амалий таклифларни илгари сурган.

Бундан ташқари, халқаро стандартларга мос равишда мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ягона электрон реестр тизимини жорий этиш, тергов ва суд ходимлари учун иқтисодий ўқув курсларини ташкил этиш, иқтисодий экспертизалар методологиясини янгилаш ҳамда хорижий муассасалар билан ҳамкорликни кенгайтириш таклиф қилинган.

Х У Л О С А

“Жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг назарий-ҳуқуқий ва амалий муаммолари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий хулосалар:

1. Илмий-тадқиқот ишларида махсус иқтисодий билим тушунчасига нисбатан турли хил фикрлар билдирилганлигидан келиб чиқиб, ушбу тушунчага нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

“Махсус иқтисодий билимлар – бу иқтисодиёт соҳасидаги умумий таълим ва амалий тажриба доирасидан ташқарига чиқадиган, махсус тайёргарлик ва

касбий фаолият натижасида олинган, чекланган доирадаги шахсларга маълум бўлган, жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда жиноятларни аниқлаш, уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш жараёнида фойдаланиладиган бухгалтерия, молия, солиқ, банк ва бошқа иқтисодиёт соҳасидаги билимлар мажмуи”.

2. Махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш – экспертнинг иқтисодий турдаги экспертизалардаги тадқиқоти ҳамда мутахассиснинг фикри, тергов ҳаракатларини ўтказишдаги маслаҳати ёки техник ёрдамини ўзида акс эттирувчи билимларидан фойдаланиш.

3. Махсус иқтисодий билимлар фойдаланишда қўлланиладиган тадқиқоти усули – муайян кетма-кетликда танлаб қўлланиладиган иқтисодий турдаги экспертиза, тафтиш мақсадига эришиш йўлидаги тегишли тизимлаштирилган, пухта ишлаб чиқилган, тан олинган йўл-йўриқлар (ҳаракатлар) тизими”.

4. Илмий тадқиқот ишларини ўрганиш натижасида мутахассиснинг ёзма фикрига нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

“Мутахассиснинг ёзма фикри - тарафлар ёхуд ҳимоячи томонидан қўйилган саволларга иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни ўрганиш натижаси ва хулосасини ўз ичига олган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган расмий ҳужжатдир”.

5. Махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва но процессуал шакллари мавжуд бўлиб:

процессуал шаклларига – экспертиза, тафтиш, экспертни ва мутахассиснинг кўрсатув бериши;

но процессуал шаклларига – мутахассиснинг фикрида намоён бўладиган маслаҳати, унинг тергов ҳаракатларга техник ёрдами киради.

6. Жиноят ишларини юритишда махсус иқтисодий билимларнинг аҳамияти қуйидагиларда, яъни:

а) жиноятлар ва уларнинг изларини аниқлаш;

б) далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш;

в) иқтисодий, яъни молия, солиқ, банк соҳасидаги ҳолатларни аниқлашга қаратилган тергов ҳаракатларини ўтказиш;

г) экспертиза, тафтиш тайинлаш ва ўтказиш;

д) жиноятларнинг содир этилиш механизминини аниқлаш;

е) жиноятларнинг оқибатларини аниқлаш;

ф) профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда намоён бўлади.

7. Таҳлил натижалари юзасидан махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши қуйидаги омилларга боғлиқ:

рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши натижасида анъанавий молиявий жиноятлар янги шаклларда намоён бўлаётганлиги;

молия бозорларининг глобаллашуви ва янги молиявий инструментларнинг пайдо бўлиши оқибатида иқтисодий жиноятларнинг янада мураккаблашувига олиб келаётганлиги;

крипто-активлар ва блокчейн технологияларининг ривожланиши билан

боғлиқ янги турдаги жиноятлар пайдо бўлаётганлиги.

8. Терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан иқтисодий экспертиза хулосасини баҳолашда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий мезонлар рўйхати шакллантирилди:

а) ўрганилаётган объектнинг ишга алоқадорлиги;

б) далилнинг мақбуллиги;

в) далилнинг ишончлилиги;

г) тадқиқот иши учун юборилган маълумотларнинг тўлиқлиги;

д) тадқиқот учун қўлланилаётган услубиётнинг илмий асосланганлиги;

е) ҳолатни объектив ўрганилганлиги;

ё) хулоса, далолатномадаги маълумотларнинг аниқлиги ва тушунарлилиги.

9. Ўзга идоравий текширув тушунчасига нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

“Ўзга идоравий текширув – жиноят иши қўзғатилишига асос бўладиган, иқтисодий махсус билимлардан фойдаланиб корхона, муассаса, ташкилотларнинг солиқ, молия, банк ва бошқа ҳужжатлар асосида қонуний фаолиятини ўзи ёки махсус ваколатли органлар томонидан ўрганилишидир”.

II. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштиришга оид таклифлар:

10. Махсус иқтисодий билимларни қўллаш орқали олинган натижалардан фойдаланишнинг қонунчиликдаги ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмидаги далил турлари рўйхатига мутахассис фикри ва далолатномасини ҳам киритиш лозим.

11. Жиноят ишлари юзасидан бериладиган мутахассис фикрини ҳам жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш лозим. Шунга кўра, ЖПКни “**Мутахассиснинг ёзма фикри**” деган **70¹-модда** билан тўлдириш ҳамда уни қуйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“70¹-модда. Мутахассиснинг ёзма фикри

Ушбу Кодексда белгиланган тартибда расмийлаштирилган, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ёхуд тарафлар томонидан қўйилган саволларга ўрганиш натижасини ва хулосасини ўз ичига олган расмий ҳужжат мутахассиснинг ёзма фикри ҳисобланади.

Мутахассис ёзма фикрини зарур ўрганиш ва тадқиқотлар ўтказганидан сўнг тузади ва ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Мутахассис фикрига асос бўлган тадқиқот, ўрганишга оид ҳужжатлар ва бошқа материаллар ёзма фикрга илова қилинади. Мутахассиснинг ёзма фикрига қўйилган талаблар, уни расмийлаштириш қоидалари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.”

12. Тафтиш ўтказишда қонунийликни таъминлаш кафолатларини янада

мустаҳкамлаш мақсадида ЖПКнинг 91-моддасида белгиланган видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар рўйхатига “юридик хизмат вакилининг ва (ёки) адвокатнинг иштирокисиз бошланган тафтиш”ни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

13. Терговга қадар текширув ҳам алоҳида институт бўлганлиги ва мазкур босқичда ҳам тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкинлиги сабабли, ушбу босқичда ҳам мутахассис иштирокидан фойдаланишга оид нормани ЖПКнинг 69 ва 70-моддаларига киритиш мақсадга мувофиқ.

14. Электрон хотирада турган маълумотларни олиш вақтида мутахассис иштироки мажбурий бўлганлиги сабабли, ЖПК 69-моддасининг биринчи қисмига **терговга қадар текширув** ва **далилларни олиш билан боғлиқ** бўлган тегишли кўшимчани ҳам киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ.

“Терговга қадар текширув, тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш, олиш ва мустаҳкамлашда терговга қадар текширув органи мансабдор шахсига, суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади”.

15. Ишни судга қадар юритиш ва суд босқичларида мутахассиснинг процессуал мақомини аниқлаштириш, унинг фикрига процессуал тус берилганлик ҳолатидан келиб чиқиб, ЖПК 70-моддасига жиноят процессида мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига аниқлик киритишга қаратилган қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

– зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш;

– терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонунда белгиланган тартибда огоҳлантирилган ҳолларда жиноят иши бўйича унга маълум бўлган ҳолатларни ошкор қилганлиги;

– узрли сабабларсиз ёзма фикрини беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги;

– била туриб нотўғри ёзма фикрини берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг белгиланишидан келиб чиқиб, ЖКнинг 238-240-моддаларига ҳам тегишли ўзгартириш киритиш лозим.

16. Ишда мутахассис иштирокига оид нормалар такомиллаштирилиши муносабати билан тегишли тартибда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, ҳимоячининг, жабрланувчининг ҳуқуқлари қаторига (ЖПКнинг 46, 48, 53 ва 55-моддаларига) “ўзи танлаган ва иштирокини таъминлаган мутахассисни терговда ёхуд судда сўроқ қилиниши ва унинг сўроғида иштирок этиш”ни талаб қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ.

17. Амалиётда солиқ аудити натижалари асосида қўзғатилган жиноят ишлари доирасида айни шу масалада такроран тафтиш ўтказилиши ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётганлиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятига нисбатан салбий таъсирларни юзага келтираётганлиги сабабли, ЖПКнинг

187¹-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Солиқ органлари томонидан ўтказилган аудит натижалари асосида жиноят иши қўзғатилган тақдирда, шу ҳолат бўйича такрорий тафтиш тайинланишига йўл қўйилмайди. Такрорий тафтиш фақат янги ҳолатлар ёки ушбу Кодекснинг 187⁹-моддасида кўрсатилган қайта тафтиш асослари мавжуд бўлганида ўтказилиши мумкин.”

18. Амалиётда тафтиш ўтказиш шарт бўлган ҳолатлар аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли, ЖПКга қуйидагича таҳрирдаги янги 187²-моддани киритиш таклиф этилади: (Бунда, амалдаги 187²-модда 187³-моддага, шу тарзда 187¹¹-моддагача кетма-кетликда, биттадан модда рақами ўзгаради.)

“187²-модда. Тафтиш тайинлаш шарт бўлган ҳолатлар

Башарти, иш бўйича:

1) солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ортиқча тўланган солиқларни ноқонуний қайтариб олиш ёки солиқ имтиёзларини суиистеъмол қилиш ҳолатларини;

2) бюджет маблағларини, давлат буюртмалари, кредит маблағлари ёки субсидияларни ўзлаштириш ёки мақсадсиз сарфлаш ҳолатларини;

3) банк операцияларини қонунга хилоф йўл билан амалга ошириш, даромадни легаллаштириш ёки пул маблағларини ноқонуний айлантириш ҳолатларини;

4) ҳисоб-китоб ҳужжатларида қалбаки маълумотлар ёки сунъий ўзгартиришлар киритилганлигини;

5) товар-моддий бойликлар бўйича камомад ёки зарар етказиш ҳолатларини;

б) коррупция, пора олиш-бериш билан боғлиқ молиявий операциялар амалга оширилганлигини;

7) давлат харидлари, тендер ва инвестиция лойиҳаларида маблағлар тақсимланишида шубҳали ҳолатлар мавжудлигини;

8) хорижий валюталардаги операциялар, экспорт-импорт битимларида қонунбузарлик ҳолатларини;

9) илгариги тафтиш ёки аудит хулосаларида зиддиятлар ёки жиддий фарқларни;

10) иш бўйича моддий зарар миқдорини аниқлаш зарур бўлган ҳолатларда тафтиш тайинлаш ва ўтказиш шарт.

Иш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар аниқланганда ҳам, агар бунинг учун махсус билимларни қўллаш зарур бўлса ва бу ҳолатлар исботлашнинг бошқа воситалари билан пухта аниқланмаган бўлса, тафтиш ўтказиш шарт.”

19. Тафтиш ўтказишда аудиторлик текширувларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш мақсадида ЖПКга қуйидагича таҳрирдаги 187³-моддани киритиш таклиф этилади: (Бунда, амалдаги 187³-модда 187⁴-моддага, шу тарзда 187¹¹-моддагача кетма-кетликда, биттадан модда

рақами ўзгаради.)

“187³-модда. Тафтиш тайинлашда аудиторлик текиширувларининг инобатга олиниши.

Тафтиш тайинлашдан олдин терговга қадар текиширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор хўжалик юритувчи субъект фаолияти бўйича аудиторлик текишируви ўтказилганлигини аниқлаши шарт.

Агар ушбу аудиторлик текиширувида иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ ўрганилган бўлса, тафтиш ўтказишга йўл қўйилмайди, ушбу текиширувда ўрганилмаган ва иш учун муҳим бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш зарурати бундан мустасно.

Аудиторлик текиширувлари натижаси бўйича расмийлаштирилган хулосалар ва унга илова қилинган ҳужжатлар ушбу Кодексда белгиланган тартибда олиниши, ишга қўшилиши ва баҳоланиши шарт.”

20. ЖПКнинг 187⁴-моддаси бешинчи қисмидаги “юримдик хизмат вакилининг ва (ёки) адвокатнинг йигирма тўрт соат ичида етиб келиш имконияти бўлмаган тақдирда, тафтиш уларнинг иштирокисиз бошланади” деган нормадан кейин “Бундай ҳолларда тафтиш жараёни видеоёзув орқали қайд қилиниши ва тафтиш далолатномасига тафтишнинг бошланиши видеоёзув орқали қайд этилганлиги ҳақида ёзиб қўйилиб, видеоёзув материаллари далолатномага қўшиб қўйилади,” деган норма билан тўлдириш таклиф этилади.

21. ЖПКнинг 51-моддасига тафтиш тергов ҳаракати ўтказилганда ишда ҳимоячи иштирокининг мажбурийлигини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундай норма нафақат шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишга хизмат қилади, балки жиноят-процессуал фаолиятнинг қонунийлиги ва халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга ҳам замин яратади.

22. ЖПКнинг 187⁷-моддасида кўрсатилган ўттиз календарь кун етарли бўлмаётганлиги амалиётда муаммоларни келтириб чиқараётганлигини инобатга олиб, мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган “ўттиз календарь кун” деб белгиланган жумлаларни “ўттиз иш куни” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

23. Тафтиш муддатини узайтириш фақатгина Бош прокурор ёки унинг ўринбосарининг розилигига кўра амалга оширилиши амалиётда тергов муддатларига салбий таъсир қилаётганлиги ҳамда айрим жойларда ўзбошимчалик билан муддатларнинг ўзгартирилишига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб, ЖПК 187⁷-моддаси иккинчи қисмига тегишли ўзгартириш киритиб, тафтиш муддатини узайтиришга розилик бериш ваколатини Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорларга ҳам бериш мақсадга мувофиқ.

24. ЖПКни қуйидагича таҳрирдаги янги 187¹⁴-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“187¹⁴-модда. Комиссиявий тафтиш

Комиссиявий тафтиш ўтказилаётганда бир хил ихтисосликдаги мутахассисларни ҳар бири мутахассис текширувларини тўлиқ ҳажмда ўтказиши ва улар олинган натижаларни биргалликда таҳлил қилади.

Мутахассислар умумий фикрга келганидан сўнг биргалликдаги ёзма фикр акс этган далолатномани ёки далолатномани беришининг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди.

Мутахассислар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида ёзма фикр беради.”

25. ЖПКни қуйидагича таҳрирдаги янги 187¹⁵-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“187¹⁵-модда. Комплекс тафтиш

Комплекс тафтиш иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча мутахассис текширувини ўтказиши йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади.

Комплекс тафтишни ўтказишида мутахассисларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида мутахассислик текширувларини олиб боради. Комплекс тафтиш далолатномасида мутахассисларнинг ҳар бири қайси мутахассис текширувларини ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Мутахассисларнинг ҳар бири ёзма фикрнинг ушбу мутахассис текширувлари баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган мутахассислар қилади. Агар мутахассислар комиссияси якуний фикрнинг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида мутахассислардан бирининг (алоҳида мутахассисларнинг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда далолатномада кўрсатилиши керак.

Мутахассислар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида ёзма фикр беради.”

26. ЖПКни қуйидагича таҳрирдаги янги 187¹⁶-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“187¹⁶-модда. Тафтишни тўхтатиб туриш асослари ва тартиби

Тафтиш ўтказиш муддатлари қуйидаги даврларга тўхтатиб турилади: тафтиш тайинлаган ваколатли орган, адвокат ҳамда жисмоний ёки юридик шахс томонидан тақдим этилган иш материалларидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида мутахассиснинг илтимосномасини кўриб чиқиш даврига;

тафтиш ўтказишни ЖПКнинг 187⁷-моддасида белгиланган муддат мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш тўғрисида юборилган хабарни кўриб чиқиш даврига;

мутахассиснинг хизмат сафарида, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ёки меҳнат таътилида бўлиш даврига, тафтиш ўтказишни бажаришни

бошқа мутахассисга топшириши мумкин бўлмаганда.

Тафтишни ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар юзага келган вақтдан бошлаб тўхтатилади.

Қонунчиликда ва ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича тафтиш ўтказиши муддатларини тўхтатиб туришига йўл қўйилмайди.

Тафтиш ўтказишини тўхтатиши тўғрисида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади.”

27. ЖПКни қуйидагича таҳрирдаги янги 187¹⁷-модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“187¹⁷-модда. Тўхтатилган тафтишни қайта тиклаш

Тафтиш уни тўхтатиши учун асос тариқасида ушбу Кодекснинг 187¹⁶-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилганда қайта тикланади.

Тафтишни тўхтатиши тўғрисидаги қарор қонунга номувофиқ бўлса, прокурор уни бекор қилиши ва тафтишни қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи тафтишнинг қайта тикланганлиги ҳақида прокурорга дарҳол хабар қилади.

Иш юзасидан тафтишнинг қайта тикланиши билан бир пайтда тафтишнинг ўтиши муддати ҳам тикланади.”

28. Суд-тергов амалиётида айрим ҳолатларда тайинланган тафтиш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар тафтишчи (мутахассиснинг) билимлари доирасидан четга чиқиши мумкин ва бу ноҳолис далолатнома беришига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида ЖПКга “Далолатнома беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат” деб номланган янги 187¹⁸-моддани киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади.

“Агар тафтишчи қўйилган саволларни унинг махсус иқтисодий билимлари асосида ҳал қилиши мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириши объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки далолатнома бериши учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва махсус иқтисодий амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиши имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у тафтиш беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни тафтишни тайинлаган органга (шахсга) юборади.”

29. ЖПКнинг 364-моддаси биринчи қисмида белгиланган дастлабки терговни тўхтатиш асослари рўйхатини қуйидагича таҳрирдаги 5-6-бандлар билан тўлдириш таклиф этилади:

“5) иш бўйича ўтказилаётган тафтиш тўхтатилганида ёки унинг натижалари юзасидан низо судда кўрилаётган бўлса;

б) тафтиш ўтказиши муддатига, агарда иш бўйича бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиши зарурати бўлмаса тўхтатилади.”

30. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида махсус иқтисодий билимлар тушунчасининг мавжуд эмаслиги, соҳа олимлари ўртасида ушбу тушунчага нисбатан турли хил қарашлар илгари сурилганлиги ҳамда мазкур тушунчани суд-тергов амалиётида тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига ушбу тушунчани киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Махсус иқтисодий билимлар – бу иқтисодиёт соҳасидаги умумий таълим ва амалий тажриба доирасидан ташқарига чиқадиган, махсус тайёргарлик ва касбий фаолият натижасида олинган, чекланган доирадаги шахсларга маълум бўлган, қонунчиликда белгиланган тартибда жиноятларни аниқлаш, уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш жараёнида фойдаланиладиган бухгалтерия, молия, солиқ, банк ва бошқа иқтисодиёт соҳасидаги билимлар мажмуи”.

31. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Солиқ кўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитаси қарори билан тасдиқланадиган “Солиқ органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳаси тайёрланди.

III. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

32. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида “Ўзбекистонда жиноят ишларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш истиқболлари бўйича 2025-2030 йилларга мўлжалланган концепция” лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда унда қуйидагилар назарда тутилди:

– жиноят ишларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бугунги ҳолати;

– махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишга оид қонунчиликни ҳамда ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

– жиноят ишларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш турларини кенгайтириш, моддий техник база ва ахборот тизимларини такомиллаштириш;

– жиноят ишларини тергов қилишда махсус иқтисодий билимлардан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар.

33. Тафтиш тайинловчи органлар тафтиш тайинлаш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериши талаб қилинади: тафтишчи ўзи ўтказаетган молиявий, хўжалик, тадбиркорлик, бухгалтерлик, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида пухта билимга эга бўлиши, соҳанинг муҳим жиҳатларини пухта билиши; ишдан манфаатдор бўлмаслиги; қариндошлари масалалари кўрилатган мутахассисларни ишга жалб қилмаслиги; иш ҳажми, бир неча текширилатган ташкилотлар бир-биридан алоҳида, узок ҳудудларда жойлашганда бир неча мутахассисни жалб қилиши; текшириш бир неча соҳа

мутахассиси иштирокини талаб қилганда уларни ўз вақтида жалб қила олиши; соҳа мутахассисларини тўғри танлай олиши ва уларга бериладиган саволларни, вазифаларни тўғри тақсимлаши ва мақсадни тўғри тушунтира олиши; тафтишчининг тафтиш ўтказиш бўйича малакаси, қобилияти, мутахассислиги, қандай мураккаб ишларда ишлаганлиги, аввалги ишларида амалга оширган хатоликларини билиши; тафтиш ўтказиш учун керак бўладиган муддатда ҳаракатларни амалга оширишга улгуриши.

34. Амалиётда тафтишчилар ҳамда терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьялар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва уларнинг ҳаракатларини ягона тизимга солиш мақсадида тафтиш тайинлаш, ўтказиш ва натижаси бўлган далолатномани электрон тарзда олиш тартибини жорий қилиш лозим. Ушбу тизим **“E-taftish”** деб номланиб, у орқали тафтиш тайинланиши ҳамда тадқиқот натижаси бўлган далолатнома электрон тарзда тайинлаган органга юборилиши мумкин бўлади. Шунда ҳужжат билан танишиш имконияти тезлашади ва охирида электрон далолатнома олиб, уни тезда баҳолаш имкониятини беради. Бу ҳолат тафтиш жараёнинг сифатини ва тезлигини таъминлашга, пировардида терговни шаффофлигини ҳамда сифат жиҳатидан янада яхшиланишига ёрдам беради.

Шунингдек, ушбу порталда тафтиш тайинлаш ваколатига эга бўлган шахслар ўз саволларини, яъни маълум бир объектни ташкилотда тадқиқ этиш мумкинми, кимлар шу соҳада тафтишчи эканлиги (тафтишчилар рўйхати), қандай усуллар ёрдамида тадқиқот ўтказилиши ҳамда асосан ушбу ҳолатда қандай саволлар бериш юзасидан маслаҳат олиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, тафтишчиларга қўйилган баҳолар ва уларнинг рейтинг кўрсаткичларини кўриш ва улар орасида иш аҳамиятига қараб энг зўрларини танлаш имкони бўлади.

35. **“E-taftish”** электрон дастурий таъминоти тўғрисидаги низом лойиҳаси тайёрланди ва унда қуйидагилар назарда тутилди:

- **“E-taftish”** электрон дастурий таъминотининг асосий вазифалари;
- дастурий таъминотнинг афзалликлари ва қулайликлари;
- унинг тузилиши ва бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро интеграцияси;
- тафтиш тайинлаш ва ўтказиш тартиби;
- дастурий таъминотида ахборот хавфсизлиги ва маълумотларни ҳимоя қилиш.

36. Тафтиш доирасида мутахассис томонидан тузилган далолатномага қуйидаги асосий ҳужжатларнинг илова қилиниши мақсадга мувофиқ саналади: моддий бойликларнинг текширилганлиги маълумотлари сақланган ҳужжат; олдинги текширишларда қонунбузарликлар ҳолатлари аниқланган ҳужжатлар, масалан, инвентаризация комиссияси хулосалари; моддий жавобгар бўлган шахсларнинг камомаднинг сабаблари ҳақидаги тушунтиришлари; моддий жавобгар шахснинг олдинги иш жойларидан бўшаганлик сабаблари акс этган шахсий ҳужжатларидан кўчирма; моддий

жавобгарлик юклатилганлик ҳужжатлари.

37. **“E-tergov”** дастурий таъминотини янада такомиллаштириш мақсадида унга терговга қадар текширув жараёнида тафтиш ўтказиш билан боғлиқ имкониятларини қўшиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди. Бунда терговчи томонидан корхона, ташкилот ёки бошқа турдаги тадбиркорлик субъектининг маъмурий биноси ёки бевосита хонасида жиноят содир этилганлиги ҳақидаги хабарга асосан ўтказилган ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида тафтиш тайинлаши ва шу ернинг ўзида уни мутахассисларга жўнатиш имкониятлари назарда тутилган.

38. **“Электрон жиноят иши”** дастурий таъминотини яратиш бўйича Ишчи гуруҳ аъзоси сифатида Бош прокуратура томонидан тасдиқланган “Йўл харита”га тафтиш тергов ҳаракати билан боғлиқ барча процессуал ҳужжат намуналарини яратиш ва дастурий таъминотга қўшиш таклифи киритилди. Унга кўра, тафтиш тайинлаш қарори, унга қўйиладиган саволлар, мутахассис ажратиш хатлари, тафтиш муддатини узайтириш қарорлари, далолатнома ва тафтиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг электрон шакли яратилиб, дастурий таъминотга жойлаштирилади. Шунингдек, барча тафтиш ўтказишга масъул органлар ушбу дастурий таъминотга уланади ҳамда уларга қарорлар онлайн юборилади ва тафтиш ҳаракатини қонунийлигини реал вақт режимида кузатиш имконияти яратилади, муддатга риоя қилиш борасида уларнинг масъулияти оширилади. Бу тафтишни ўз муддатида, турли сарсонгарчиликлар ўтказилишини таъминлайди ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилишини олдини олади.

39. Тафтиш тайинлаш ва ўтказишга масъул органлар учун ягона бўлган услубиёт яратилди. Ушбу услубиёт тафтиш далолатномасини далилий аҳамиятини оширади, тафтишчиларнинг бир масалага турлича ёндашишлари ҳолатлари олди олинишга хизмат қилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 AT THE LAW ENFORCEMENT ACADEMY
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**LAW ENFORCEMENT ACADEMY OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

BARAKAYEV LAZIZJON OTAQULOVICH

**THEORETICAL LEGAL AND PRACTICAL PROBLEMS OF USING
SPECIAL ECONOMIC KNOWLEDGE IN CRIMINAL PROCEEDINGS**

12.00.09–Criminal procedure. Criminalistics, operational-search law and forensic examination

**DOCTORAL (DSc) DISSERTATION ABSTRACT
ON LEGAL SCIENCES**

Tashkent – 2025

The theme of the doctoral dissertation (DSc) dissertation was registered at the Higher Attestation Commission under the Ministry of Higher Education, Science and Innovation of the Republic of Uzbekistan under number B2024.1.DSc/Yu296.

The dissertation was completed at the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (resume)) on the website of the Scientific council (www.proacademy.uz) and Information educational portal «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Scientific advisor:	Astanov Istam Rustamovich DSc in Law, Professor
Official opponents:	Suyunova Dilbar Joldasbaevna, DSc in Law, Professor Muminov Bekzod Abduvakhobovich, DSc in Law, Professor Kuchkarov Khayrulla Zikirillaevich, DSc in Law, Docent
Leading organization:	Republican Center for Judicial Expertise named after H. Sulaymonova under the Ministry of Justice

The defense of the dissertation will be held at 10:00 on 17 December of 2025 at meeting of the Scientific Council DSc. 31/31.12.2020.Yu.67.01 under the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan (Address: 100190, 9 Rikhsiliy street, Yunusabad District, Tashkent, Uzbekistan. Phone:/ fax: (71) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

The dissertation is available at the Information resource centre of the Law Enforcement Academy (registered No.75). (100190, 9 Rikhsiliy street, Yunusabad District, Tashkent, Uzbekistan, e-mail: info@proacademy.uz).

The abstract of the dissertation is distributed on 04 December of 2025.
(Registry Protocol No. 39 on 17 December 2025.)

M.A. Aminjanova

Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

Sh.I. Shayzakov

Scientific secretary of the Scientific Council on awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law (PhD), Docent

V.Karimov

Chairman of the Scientific seminar under the Scientific Council awarding scientific academic degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

INTRODUCTION (annotation of the Doctor of Science (DSc) dissertation)

Relevance and necessity of the topic of dissertation. Combating economic crimes worldwide has become one of the pressing issues. In particular, according to the International Monetary Fund report, funds equivalent to 2-5 percent of the world's annual GDP are laundered as a result of criminal activities¹. According to the Financial Action Task Force (FATF), financial crimes related to digital technologies have increased by 300 percent in the last five years². According to the PwC Global Economic Crime Survey, the amount of damage caused by economic crimes worldwide in 2022 amounted to 6.4 trillion US dollars³. In such conditions, effective use of special economic knowledge in conducting criminal cases, introduction of new types of economic expertise, and aligning judicial-expert activities with international standards are of great importance.

Worldwide, scientific research is being conducted on improving the efficiency of using special economic knowledge, developing new types of economic expertise, improving judicial-expert activities in the context of the digital economy, developing methodologies for applying special economic knowledge in investigating crimes related to crypto-assets, and using artificial intelligence technologies in judicial-expert activities. Today, improving the procedural forms of special economic knowledge, standardizing methods for collecting and examining digital evidence, introducing new types of judicial-economic expertise, and substantiating them from theoretical-methodological perspectives are among the priority tasks.

According to statistics in our republic, in the 12 months of 2024 and the 8 months of 2025, courts acquitted 945 persons in a total of 399 criminal cases by investigative bodies on grounds of rehabilitation. In 2024, courts issued acquittal verdicts on grounds of rehabilitation in a total of 93 cases from 13 categories of economic crimes (Articles 165, 166, 167, 168, 169, 177, 179, 182, 184, 184¹, 185², 186, 192¹¹ of the Criminal Code)⁴. Along with various (procedural) violations leading to these verdicts, in 19 cases (20 percent) or one in every five, inspections, and in 13 cases, i.e., 14 percent, violations and errors in conducting economic and other types of expertise were the causes. Additionally, while a total of 27,011 inspections were conducted by specialists from 3 authorized bodies in 2018-2024, due to gaps, errors, and shortcomings in inspections, 605 additional and 134 repeated inspections had to be conducted⁵. Such situations in investigating crimes arise due to difficulties faced by investigators and interrogators in evaluating inspection certificates and conclusions of economic expertise, the use of multiple expertise research methods to solve one issue in practice, investigators fully relying on inspection and economic expertise documents without verifying them, the absence of methodology for conducting inspections on criminal cases, resulting in different

¹ International Monetary Fund. (2023). "Anti-Money Laundering/Combating the Financing of Terrorism (AML/CFT)", IMF Factsheet.

² FATF. (2023). "International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation", FATF, Paris, France.

³ PwC. (2022). "Global Economic Crime and Fraud Survey 2022", PricewaterhouseCoopers.

⁴ Analytical reference of the General Prosecutor's Office for the 12 months of 2024 and 8 months of 2025.

⁵ Comparative analytical reference of the General Prosecutor's Office for 2018-2024.

approaches by inspection bodies, investigators' poor mastery of norms related to conducting inspections and methods of using special economic knowledge, as well as gaps and contradictions in legislation.

In the 9 months of 2025, out of 35,699 expertises conducted by the Republican Center for Judicial Expertise, only 549 or 1.6 percent were judicial-economic expertises. The majority of these types of expertises, i.e., 66 percent, were appointed by prosecutor's offices, 11 percent by economic courts, 8 percent by courts on criminal cases, and the remaining 15 percent by other agencies, with experts resolving more than 800 questions¹. In addition, although there are more than 60 types of judicial expertise today, investigative bodies mainly use the capabilities of about 30 types of judicial expertise. For example, types such as labor economics judicial expertise and judicial-planning-economics expertise, which are important for cases under prosecutor's offices, are almost never appointed in practice. These shortcomings and situations require in-depth study of the theoretical and practical aspects of using special economic knowledge in conducting criminal cases.

The research of this dissertation will serve to a certain extent in ensuring the implementation of tasks envisaged in the Constitution of the Republic of Uzbekistan (2023), the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan (1994), the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-60 "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022–2026" (2022), Resolution No. PQ-3723 "On Measures to Radically Improve the System of Criminal and Criminal Procedure Legislation" (2018), Resolution No. PQ-374 "On Measures to Improve the Procedure for Coordinating Inspections in the Activities of Business Entities" (2022), the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On Additional Measures for Organizing State Control over the Activities of Business Entities by Supervisory Bodies" (2022), and other legislative acts in this field.

Compliance of the research with the main priority directions of republic science and technology development. The research work was carried out in accordance with the priority direction titled "Formation of a System of Innovative Ideas and Ways to Implement Them in the Social, Legal, Economic, Cultural, Spiritual-Educational Development of an Information Society and Democratic State" in the development of science and technologies in the republic.

Review of foreign scientific research on the dissertation topic. Scientific investigations on issues of using special economic knowledge in criminal procedure are being conducted at leading foreign scientific centers and higher education institutions, including Harvard Business School (USA) on improving the efficiency of using special knowledge in investigating economic crimes, Yale Law School (USA) on improving the quality of judicial-economic expertises and aligning them with international standards, London School of Economics (UK) on using special knowledge in investigating economic crimes committed based on modern technologies, Max Planck Institute for Foreign and International Criminal Law (Germany) on using artificial intelligence capabilities in judicial expertise activities,

¹ Reference of the Republican Center for Judicial Expertise named after H. Sulaymonova.

University of Toronto Faculty of Law (Canada) on specific features of evaluating the results of judicial economic expertises, Saratov State Law Academy (Russia) on legal and criminalistic aspects of using inspection or other verification capabilities in investigating economic crimes.

In addition, at Ramaiah University (India), the impact of inspection in detecting, investigating, and preventing fraud crimes¹, at Nnamdi Azikiwe University (Nigeria), economic expertise and control in fraud crimes², at Ekasakti University (Indonesia), the role of economic expertise and inspection in investigating corruption crimes³, at the Institute of Security Studies (Kenya), the role of inspection in investigating organized crime and legalization crimes have been scientifically researched.

Further improving the methodology for detecting and investigating new types of economic crimes in the context of the digital economy, procedural features of investigating crimes related to crypto-assets, strengthening international cooperation in investigating transnational economic crimes are the main directions of these researches.

In particular, using special knowledge in investigating economic crimes committed with the help of modern technologies, improving the methodology for detecting and investigating crimes related to blockchain technologies, using artificial intelligence capabilities in judicial expertise activities, standardizing methods for collecting and examining digital evidence are gaining urgent importance.

Degree of study of the problem. Issues of using special economic knowledge in criminal procedure have been studied in the scientific works of our national legal scholars such as G.AbduMajidov, Z.F.Inogomjonova, F.M.Muhitdinov, D.M.Mirazov, B.A.Muminov, I.R.Astanov, Sh.N.Khojaqulov, J.Rakhmonov, N.D.Bababekov, and others. In particular, G.AbduMajidov, Z.F.Inogomjonova, F.M.Muhitdinov, D.M.Mirazov studied the general aspects of the expertise and inspection institute, I.R.Astanov the procedural and criminalistic aspects of using special knowledge in criminal procedure, B.A.Muminov issues of improving the use of special economic knowledge in pre-trial proceedings, Sh.Y.Djumamuratov the organization and conduct of documentary inspection and judicial accounting expertise in the process of verifying cases of plundering state and public property, Sh.N.Khojaqulov the theoretical-legal foundations of judicial-economic expertise, B.Kh.Rajabov the procedural and criminalistic aspects of the prosecutor-criminalist in a monographic manner.

From CIS countries scholars, V.M.Abrosimova on pressing issues of appointing and conducting judicial-economic expertises, T.M.Arzumanyan on appointing accounting expertise in investigation and trial processes, S.Yu.Barysheva on judicial-economic expertise, E.G.Belyakova on pressing issues of conducting judicial financial-economic expertise in cases of intentional bankruptcy of legal

¹https://www.researchgate.net/publication/351608167_A_Study_on_impact_of_Forensic_Audit_towards_Investigation_and_Prevention_of_Frauds

²https://www.researchgate.net/publication/391862116_forensic_auditing_and_fraud_control_a_study_of_economic_and_financial_crimes_commission

³ <https://dinastires.org/JAFM/article/view/275>

entities, E.F.Bykova on problems and solutions in appointing judicial-economic expertise in criminal procedure, V.V.Golubeva on requirements for judicial-accounting expertise, A.A.Droga on pressing issues of conducting judicial accounting expertise at the current stage of investigating economic crimes, E.S.Dubonosov on classification of judicial accounting expertise, S.G.Eremin on organizing documentary inspections and audit verifications to detect criminal situations at the request of law enforcement bodies, T.V.Zyryanova on accounting expertise as an important type of economic expertise, Z.P.Klimova on ways to improve conducting inspections in the verification process aimed at detecting signs of crime, and other directions.

